

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ХОМИДОВ ХАЙРИЛЛО ХУДОЁРОВИЧ

**ТУРК ТИЛИДА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ЮЗАГА
КЕЛИШИ, МАЪНО ВА ГРАММАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on Philological Sciences**

Хомидов Хайрилло Худоёрович

Турк тилида фразеологизмларнинг юзага келиши, маъно ва грамматик
хусусиятлари 3

Хомидов Хайрилло Худоёрович

Возникновение фразеологизмов в турецком языке, их лексические и
грамматические особенности 21

Khomidov Khayrillo Khudoyorovich

The emergence, meaning and grammatical features of frazeology in Turkish
Language 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ХОМИДОВ ХАЙРИЛЛО ХУДОЁРОВИЧ

**ТУРК ТИЛИДА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ЮЗАГА
КЕЛИШИ, МАЪНО ВА ГРАММАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/fil.662 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.tashgiv.uz ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маннонов Абдурахим Муталович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алимухамедов Рихситилла Абдурашидович
филология фанлари доктори

Абдурахмонова Муқаддас Турсуналиевна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.Х.Боқиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.П.Содиқов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., профессор

А.Куранбеков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида фразеологизмлар муаммоси, уларнинг миллий-маданий хусусиятлари, шаклий-мазмуний тузилишидаги ўзига хосликлари, хусусан, фразеологизмларнинг структур-семантик жиҳатлари муҳим ва долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. XX асрда фразеологияни ўрганиш борасида жаҳон илмида катта ишлар амалга оширилди. Шунга қарамай, бу соҳада қилинадиган ишлар ҳали етарли эмас. Чунончи, фразеологик бирликларнинг коммуникатив-прагматик жиҳатларини ёритиш, уларни моделлаштириш масалалари тилшунослар эътиборини ўзига қаратмоқда.

Дунё тилшунослигида миллий тиллар, хусусан, турк тилининг ўзига хослигини яққол кўрсатишга хизмат қилувчи фразеологик бирликларни ҳам парадигматик, ҳам синтагматик жиҳатдан чуқур таҳлил этиш, уларнинг универсал ҳодиса сифатида шаклий ва мазмуний моделларини ишлаб чиқиш зарурати юзага келмоқда. Фразеологизмларнинг семантик-структур ҳамда когнитив-прагматик хусусиятларини ўрганиш ҳозирги тилшунослик олдида турган устувор йўналишлардан бири саналади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда рўй бераётган ислоҳатларнинг янги даврида туркий эллар билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш, қардош турк халқи билан иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси давлат сиёсати даржасига кўтарилди. 2017 йил октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Туркия Республикасига расмий ташрифи ва Туркия Республикаси Президентининг 2018 йил май ойида Ўзбекистонга расмий ташрифлари доирасида илм-фан ва таълим соҳасида ҳам қўшма лойиҳаларнинг кенгайтирилишини таъминловчи қатор ҳужжатлар имзоланганлиги шундан далолат беради¹. Шу боис кейинги йилларда ўзбек шарқшунослигида туркшунослик масалаларини тадқиқ этиш етакчи соҳага айланди. Хусусан, ҳозирги турк тилидаги фразеологизмларни ўрганиш бўйича изланишлар амалга оширилди. Бироқ ушбу тадқиқотларда ибораларнинг юзага келиши, уларнинг семантик, формал-синтактик тадқиқи ва улар билан боғлиқ кўплаб масалалар ўрганилган эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳа бўйича қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон – Туркия: Буюк тарих бунёд этган икки улғу халқ. «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 27 апрель.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида, хусусан, рус тилшунослигида фразеология соҳасида йирик тадқиқотлар амалга оширилган. Ушбу соҳада етакчи бўлган россиялик олимларнинг фразеология соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари эса XX асрнинг 40-йилларида майдонга келди ва умумий фразеология назариясининг яратилиши ва унинг мустақил лингвистик фан сифатида шаклланишини таъминлади.

Фразеология назарияси тараққиётида таниқли рус олими В.В.Виноградовнинг хизматлари катта. Ўз тадқиқотларида фразеологик концепцияни ишлаб чиққан олимнинг фразеологизмлар ҳақидаги таълимоти нафақат, рус тилшунослари, балки бошқа тиллар, шу жумладан, туркий тиллар фразеологияси соҳасида тадқиқотлар олиб борган тилшунослар учун ҳам назарий манба сифатида қўлланиб келади. Бунинг сабаби, В.В.Виноградовнинг тадқиқотларида илгари сурилган фразеологик бирликларнинг семантик таснифида фразеологик бирликлар табиатида бошланғич ва асосий омил сифатида айнан фразеологик бирликларнинг семантикаси қатъий белгиланди².

Академик В.В.Виноградов ўзининг «Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины» номли тадқиқотида «фразеологик бирликларга хос бўлган кўчма, яхлит маънолилик, образлилик ҳар доим ҳам аниқ, шаффоф бўлавермаслиги, баъзан бундай хусусиятлар бевосита қабул қилинавермаслиги, билинар-билинемас даражада ҳис қилиниши, фараз қилиниши, англаниши мумкин»³лигини таъкидлайди. «Фразеологик бирликларда, – деб ёзади олим, – уларни ташкил этувчи компонентлар орасидаги грамматик муносабатлар осон фарқланади ва жонли замонавий синтактик муносабатлар доирасида ўрганилиши мумкин... Грамматик шакллар ва муносабатлар (фразеологик чатишмалар ва бирликларда) семантик муносабатлардан кўра мустаҳкамроқ бўлади. Қотиб қолган синтактик конструкциялар морфологияси сақланади, аммо уларнинг функционал маъноси кескин ўзгаради»⁴.

А.А.Потебня, И.И.Срезневский, И.А.Бодуэн де Куртенэ, А.А.Шахматов, Л.В.Щерба, Ф.Ф.Фортунатов, Г.О.Винокур, Л.В.Якубинский каби олимлар ишлаб чиққан фразеология назарияси XX асрнинг 40-йиллари охири ва 50-йилларнинг бошларида О.С.Ахманова, А.И.Смирницкий, А.А.Реформатский, Л.А.Булаховский каби олимларнинг ишларида янада ривожлантирилди. Фразеология назариясининг ривожиди Е.Д.Поливанов, Л.А.Булаховский,

² Виноградов В.В. Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины. - Тр. Юбил. научн. сессии ЛГУ, Секция филол. Л., 1946.

³ Ўша китоб. – С. 362.

⁴ Ўша китоб. – С. 362.

туркийшуносликда С.К.Кенесбаев, С.Н.Муратов каби тилшуносларнинг айрича хизматлари бор. А.Г.Ганиев, Л.Л.Григорьева, Н.А.Хомякова, М.И.Грицко, И.Е.Городецкая, Ж.Д.Казимагомедоваларнинг асарлари ҳам фразеологик бирликлар ва уларнинг шаклланиш йўлларининг қиёсий таҳлилига бағишланган⁵.

Ўзбек тилшунослигида фразеологик бирликлар дастлаб Е.Д.Поливанов, кейинчалик Ш.У.Раҳматуллаев, М.И.Умарходжаев, А.Э.Маматов, Ш.А.Ғаниева ва бошқа тилшуносларнинг тадқиқотларида ўрганилган⁶. Қайд этилган тадқиқотлар орасида таниқли ўзбек тилшуноси Ш.У.Раҳматуллаевнинг илмий изланишлари алоҳида аҳамиятга эга⁷. Шунингдек, турк тилидаги фразеологизмлар Ш.Р.Усманованинг тадқиқотларида таҳлилга тортилган⁸. Шу ўринда ўзбек ва турк мақол, иборалари луғатининг республикамизда нашр этилганлигини ҳам қайд этиш керак⁹.

Турк тилшунослигида фразеологизмлар устида салмоқли ишлар амалга оширилган бўлса-да, уларнинг миллий-маданий хусусиятлари муаммоси олимларни кўп йиллардан бери қизиқтириб келмоқда. Фразеологизмларнинг тематик-идеографик семантикасини шакллантирувчи культурологик манбалар доирасида кўпгина хорижлик тадқиқотчиларнинг бир қатор илмий ишлари маълум¹⁰. Хусусан, бу борада иш олиб борган йирик турк олимлари Ҳ.Адигузел, С.Сарижа, И.Ҳ.Сойкут, М.А.Танери, Р.Топкан, М.Гўзан, Ҳ.Ҳасан¹¹ ва бошқалар томонидан амалга оширилган ишларнинг тадқиқи

⁵ Ганиев А. Г. Очерки по глагольной фразеологии литературного пушту (в свете современной теории устойчивых словосочетаний). –Ташкент, Издательство «Фан», 1985; Григорьева Л.Л. Фразеологическая репрезентация религиозного мира человека (на материале русского, английского и арабского языков), Автореф. дисс. канд.филол.наук. –Казань: 2009; Хомякова Н.А. Эмотивные фразеологизмы в русском, французском и английском языках: сопоставительный анализ: Дисс. канд.филол.наук. –М.: 2008. –212 с. Грицко М.И. глагольные фразеологизмы русского, английского и французского языков в сопоставительном аспекте: Автореф. дисс. канд.филол.наук. –Новосибирск: 2005; Городецкая И.Е. Фразеологизмы-соматизмы в русском и французском языках: Дисс. канд.филол.наук.к.ф.н. –Пятигорск: 2007; Казимагомедова Ж.Д. Семантические особенности фразеологических единиц с компонентным соматизмом «рука» в табасаранском, английском и французском языках: Автореф. дисс. канд.филол.наук. –Махачкала: 2014.

⁶ Умарходжаев М.И. Основы фразеологии / Андиж. гос. пед. ин-т языков. –Ташкент: Фан, 1983; Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиш масалалари: Автореф. дисс. док.филол.наук. –Т.: 1999; Ғаниева Ш.А. Ўзбек фразеологизмлари структураси (шаклий ва мазмуний моделлаштириш): Автореф. дисс. фил. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). –Фарғона: 2017;

⁷ Раҳматуллаев Ш.У., Об одной особенности грамматической структуры фразеологических единиц в современном узбекском языке, «Вопросы фразеологии. Труды Самаркандского гос. ун-та им. А. Навои, новая серия», вып. 106., 1961; Раҳматуллаев Ш.У., О преобразовании грамматического строения у именных фразеологических единиц, Труды Ташкентского госуниверситета, вып. 211, 1963; Раҳматуллаев Ш.У. Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати. –Тошкент, 1967; Раҳматуллаев Ш.У. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. –Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1992.

⁸ Усмонова Ш.Р. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар: филол. фан. номз. дисс. – Т.1998.

⁹ Yoldaşev İbrahim, Öztürk Tuncay, Öztürk Yürsel, Özbek-Türk Atasözleri ve Deyimleri Sözlüğü, Taşkent, 1998

¹⁰ Мирсаетова Л.А. Образ человека во фразеологической картине мира в татарском и русском языках. Дисс... канд.филол.наук. –Уфа: 2004. –С.165; Kurt, İhsan; Atasözleri ve Deyimlerimizde Psikolojik Unsurlar, Ankara, 1990, sayı. 39.

¹¹ Adıgüzel, Hüseyin, Deyim Hazinemiz, Açıklamalı - örnekli Türkçe, İstanbul, 1990; Sarıca, Salih, Atasözleri ve Özdeyişler, İstanbul, Fil Yayınevi, 1990; Soykut, İ. Hilmi, Türk Atalar Sözü Hazinesi, İstanbul, Ülker Yayınlar, 1974; Tanyeri M. Ali, Örnekleriyle Türk Halk Şiirinde Deyimler, İstanbul, Özgür Yayın Dağıtım Ltd. Ş-ti, 1996; Topkan, Refik, Atasözü ve Deyimler, Ankara, Efem Basimevi, 1981; Gözen, Mutallip: Atasözleri ve Deyimler Sözlüğü, İstanbul, 1988; Hasan, Hamdi, Yugoslavya Türk Atasözlerinde Konu, Dil ve Üslup Özellikleri, 1V.

шуни кўрсатадики, ҳар қандай миллий тилда олам фразеологик манзарасининг ноёблиги ундаги умумий ва миллий ўзига хос хусусиятларнинг мутаносиблигида намоён бўлади.

Сўнгги йигирма йил ичида амалга оширилган муҳим ишлар сирасига таниқли турк олими У.О.Ақсойнинг машхур фразеологик луғатларни киритиш мумкин¹². Шу ўринда олимнинг турк фразеологияси соҳасидаги хизматларини алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади.

Юқорида таъкидланганларга қарамасдан, туркча ибораларнинг манбалари, мавзу гуруҳлари, бундай гуруҳлаштиришнинг тамойиллари, ибораларнинг юзага келиш йўллари етарли даражада очиб берилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий тадқиқотларининг «Шарқ мамлакатлари тилларини ўрганиш ва тилшунослик назарий масалалари», шунингдек, Туркий тиллар кафедрасининг «Турк тилшунослигининг долзарб масалалари», «Таржима назарияси ва амалиёти» илмий йўналишлари билан бевосита боғлиқ.

Тадқиқотнинг мақсади турк тилидаги фразеологизмларнинг миллий-маданий хусусиятлари, уларнинг умумий шаклланиш қонуниятлари, фразеологик маънонинг юзага келиши, уларнинг грамматик асоси, синтактик тузилиши ва моделларини ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

турк тилидаги фразеологизмларнинг миллий-маданий жиҳатларини тавсифлаш, уларнинг юзага келиш ва шаклланиш йўллари асослаш;

лексик маъно билан фразеологик маъно ўртасидаги изоморфликни аниқлаш ва фразеологизмларга хос категориал маъноларни аниқлаш;

фразеологизмларнинг грамматик асоси, феъл ва от асосига қурилган фразеологизмларнинг синтактик тузилишини ажратиш;

фразеологизмларни юзага келтирган асосий сабаб ва манбаларни ажратиш;

фразеологик маънонинг юзага келиши, бирламчи маъно ва ундан шаклланган кўчма маъно орасидаги боғланиш масаласига аниқлик киритиш;

фразеологизмларнинг номинатив-коммуникатив ва экспрессив-ҳиссий вазифасини кўрсатиш;

сўз ва фразеологизм орасидаги семантик муносабатларни кўрсатиш ва мақол ва фразеологизмлар орасидаги алоқаларга муносабат билдиришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида турк тилидаги бадиий асарлар ва оғзаки нутқда қўлланиб келаётган фразеологизмлар ташкил этади.

Milletlerarası Türk Halk Kültürü Bildirileri, 2. Cilt, Halk Edebiyatı, Ankara, 1992; Hasan, Hamdi, Makedonya ve Kosova Türklerince Kullanılan Atasözleri ve Deyimler, Ankara, 1997.

¹² Aksoy, Ö.A. Atasözleri ve Deyimler Sözlüğü 1. Atasözleri Sözlüğü, İstanbul, İnkılap Kitabevi, 1994; Aksoy, Ö.A. Atasözleri ve Deyimler Sözlüğü, 2. Deyimler Sözlüğü, 3. Dizin ve Kaynakça, Dördüncü Baskı, Türk Dil Kurumu Yayınları, Ankara, 1994; Aksoy, Ö.A. Bölge Ağzlarında Atasözleri ve Deyimler, I. Cilt, Ankara Üniversitesi Basımevi, Ankara, 1996.

Тадқиқотнинг предметини турк тилидаги фразеологизмларнинг юзага келиши, грамматик, мазмуний ва миллий-маданий хусусиятларини асослаш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш ҳамда семантик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

фразеологизмларнинг миллий-маданий жиҳатлари, уларнинг юзага келишига сабаб бўлган лисоний омиллар ҳамда шаклланиш йўллари далилланган;

турк тилидаги фразеологизмларнинг семантик мавзу гуруҳлари, денотатив, коннотатив, прагматик семалари ва структурал типлари ишлаб чиқилган;

фразеологизмларни юзага келтирган манбалар аниқланиб, уларнинг илк ва иккиламчи маъноларининг юзага келиш йўллари, фразеологик қуршови доирасида фразеологик ва лексик маъно муносабати асосланган.

лексик маъно ва фразеологик маъно ўртасидаги боғлиқлик, чатишма, вариантлик, антонимиклик, синонимиклик, омонимиклик сингари ҳодисалар аниқланган;

фразеологизм структурасига кирувчи *релевант* ва фразеологизм структурасига кирмайдиган *иррелевант* шакллар асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

турк ва ўзбек тилларидаги фразеологизмларнинг тўлиқ таърифи берилган; турк фразеологизмларини структур тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар фразеология соҳаси учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, тилшунослик назарияси, лексикология, лексикография каби фанлар бўйича яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукамаллашувига хизмат қилади;

фразеологик бирликларнинг қиёсий таҳлили икки миллат дунёқараши, оламни идрок этишининг ўзига хослигини ёритишга, тил ўрганувчиларда фразеологик маънони англаш компетенциясини шакллантиришга асос бўлади;

диссертацияда тадқиқ қилинган материаллар фразеологизмлар луғатини яратишда асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Таҳлилга тортилган материаллар турк тили табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилиш имконини берганлиги, уларнинг асослилиги, танланган таҳлил усуллари, қўйилган масалаларнинг аниқлиги, шунингдек, хулосаларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда турк тилидаги фразеологик бирликларнинг турли аспектда тадқиқ этилганлиги тилшунослик назарияси, фразеология, синтаксис, тилни система сифатида ўрганиш билан боғлиқ илмий-назарий қарашларни тўлдиради, кенгайтиради, фразеологизмларнинг шаклланиши билан боғлиқ назарий қарашларни янада бойитади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фразеологизмларнинг бошқа фразеологик ва афористик бирикмалардан фарқлаш мезонларини белгилашга кўмак бериши билан изоҳланади. Илмий ишнинг натижаси Ўзбекистондаги олий ўқув юртларининг турк тили ва адабиёти, туркча-ўзбекча таржимачилик соҳалари билан боғлиқ факультетларида турк тилидан амалий ва назарий дарс машғулоти ўтказишда, шунингдек, таржима амалиёти дарслари, ўзбек ва турк адабий алоқалари бўйича махсус курслар, махсус семинарлар учун ўқув қўлланмалари ва дарсликлар яратишда манба сифатида қўлланилиши мумкин. Тадқиқотнинг хулоса ва тавсияларидан фразеология, семасиология, турк ва ўзбек тилларининг қиёсий грамматикасидан махсус курслар, турк тили лексикологияси бўйича маъруза матнлари, дарсликлар яратиш, турк тилининг фразеологик луғати, бадиий асар муаллифларининг фразеологик лексикаси луғатини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Турк тилида фразеологизмларнинг юзага келиши, маъно ва грамматик хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича олинган натижалар асосида:

турк тилида фразеологизмларнинг шаклланишига омил бўлган лисоний тушунчалар ва Туркиядаги ижтимоий қатламлар нутқида қўлланиладиган турғун бирликлар бўйича олинган натижалар ҳамда илмий хулосалардан Ф1-136 «Илк ва ўрта асрлар Марказий Осиё минтақасида этно-лингвистик вазият» номли илмий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 октябрдаги 1889-03-3516-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши илк ва ўрта асрларда Марказий Осиё ҳамда Кичик Осиё минтақасида туркий тилнинг ҳолати, туркий тилларда фразеологик бирликларнинг ўрни, уларнинг семантикаси ҳамда тарихий тараққиётини очиб беришга хизмат қилган;

тадқиқотдаги эски туркий тил қатламига хос фразеологик бирликларнинг қўлланилиши, уларнинг барча туркий қавмлар доирасида қўлланилганлиги билан боғлиқ хулосалардан Ф1-136 «Илк ва ўрта асрлар Марказий Осиё минтақасида этно-лингвистик вазият» номли илмий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 октябрдаги 1889-03-3516-сон маълумотномаси). Натижада ўрта асрлардаги туркий қавмлар учун умумий фразеологик қатламларни аниқлашга, уларнинг туркий халқлар оғзаки дискурсида ифодаланиши масалаларини очишга асос бўлган;

турк тили фразеологияси, мақол ва фразеологизмларнинг маъно хусусиятларига бағишланган таҳлилий фикрлар ва назарий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston» телерадиоканали ДУК «Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар» муҳарририяти томонидан тайёрланган «Таълим ва тараққиёт» ҳамда «Адабий жараён» каби туркум радиоэшиттиришларни тайёрлашда фойдаланилган («O'zbekiston» телерадиоканали ДУКнинг 2018 йил 10 октябрдаги ОЕ/Х-1-167-сон маълумотномаси). Натижада мақол ва фразеологизмларнинг маъно

хусусиятлари бўйича берилган маълумотлар ҳамда таҳлилий фикрлар радиоэшиттириш мазмунининг бойитишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 23 та, жумладан, 4 та республика, 2 халқаро ва бошқа илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, шундан 15 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 151 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва методлари белгиланган, диссертациянинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги аниқланган; тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти далилланган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши, ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Фразеологизмлар тадқиқотининг назарий асослари**» номли биринчи бобида турк тилидаги фразеологизмларни ўрганилиш тарихи, уларнинг шаклланиши ва грамматик асосланиши хусусида сўз боради.

Фразеология кенг ва тор маънода тушунилади. Кенг маънода, турғун сўз бирикмаларининг барча турлари, шу жумладан, мақол, матал ва шунга ўхшаш кўчма маъноли бирикмаларни англатади. Шунингдек, фразеология деганда сўзларнинг семантик жиҳатдан боғланиши ҳам англашилади. Тор маънода қаралганда унинг қамрови торайтириб юборилади ва фақат идиомалар кўзда тутилади. Агар бундай нуқтаи назар эътиборга олинмаган бўлса, унда катта миқдордаги образли маънога эга бўлган турғун бирикмалар фразеология доирасидан чиқиб кетиши мумкин. Демак, фразеологик бирликларни бошқа турли бирикмалардан аниқ ажратиш турувчи кўрсаткичлар, белги ва мезонлар аниқланиши лозим.

«Фразеологизм сўздан кўра кенгроқ тушунча. Унинг тузилишига сингиш учун фразеологизмни ташкил этувчи компонентлар, бирликнинг тузилиши ва маъносини таҳлил қилиш керак», – деб ёзади афғон тилидаги феъл

фразеологизмларнинг семантик-структур хусусиятларини тадқиқ этган олим – А.Г.Ғаниев¹³.

Турк тилшунослигида олимлар орасида иборалар ҳақида ягона фикр мавжуд бўлса-да, ибора луғатлари тузилишида бу ягона фикрга асосланилмайди. Яъни деярли барча олимлар: «Бир тушунча, бир ҳолатни жозибадор ифода билан ёки ўзига хос бирикма ичида таъкидлаган ва асосий маъноларидан алоҳида маъноси бўлган қолиплашган бирикмаларга фразеологизмлар (*deyimler*) дейилади»,¹⁴ – десалар-да, тузилган барча фразеологик луғатларда иборалар билан бирга мақоллар, баландпарвоз ифодалар, афоризм ва қўшма сўзларга кенг ўрин берилади.

Ҳозирги вақтда фразеология фани фонетика, фонология ва морфология каби соҳалар каби ўз тадқиқот объекти ва услуби билан тилшуносликнинг мустақил бир тармоғига айландики, бу унинг олдида ўз ечимини топмаган янги назарий вазифаларни қўймоқда. Мазкур соҳада кўп илмий тадқиқотлар амалга оширилганлигига қарамай, фразеологик маъно, тилнинг фразеологик даражаси, фразеологиядаги системалилик, фразеологизмларнинг турлари ва уларнинг юзага келиши масалалари ҳали охиригача тадқиқ этиб бўлинмаган.

Тилда фразеологизмларнинг шаклланиши, маъно хусусиятлари ва ташкил этувчи компонентлар орасидаги маъно муносабатлари, ташқи муносабатлар, фразеологик бутунлик ва унга хос аломатларнинг таҳлил этилиши, бирикмани ташкил этувчи ва фразеологик маъно касб этувчи элементларнинг боғланиш турларини ўрганиш, фразеологик бирикмаларни бошқа турли бирикмалар билан таққослаган ҳолда таърифлаш масалалари фаннинг энг долзарб вазифалари сифатида қолмоқда.

Турк тилидаги фразеологизмларнинг асосий грамматик хусусияти, барча тилларда бўлгани каби, ушбу birlikларнинг энг камида икки сўздан таркиб топганлиги, грамматик қоидаларга кўра бирикиши, эркин бирикмалардан фарқли ўлароқ, қолиплашган, турғун бирикма эканлигидадир.

Фразеологизмни белгилаш учун, биринчи навбатда, уларнинг объектив хусусиятлари аниқланиб, шундан кейин у тилнинг мустақил бирлиги сифатида ажратилади ва навбатдаги босқичга ўтилади. Иккинчидан, фразеологизмга ўтиш босқичида турган, лекин ҳали фразеологик маъно касб этмаган бирикмалардан соф фразеологизмларни ажрата билиш керак. Унинг белгилари қанчалик аниқ ва объектив бўлса, алоҳида ажратиб олиш шунчалик осон кечади.

Фразеологизмни бошқа тил birlikларидан ажратиб турувчи ўзига хос категориал белгилар бор.¹⁵ Бу: а) лексик маъно; б) компонентлар таркиби; в) грамматик категориялар. Буни тасдиқлаш ва иборанинг табиатини тўғри тушуниш учун уларни, биринчидан, фразеологизмлар билан умумий белгиларга эга бўлган сўзлар билан, иккинчидан, эркин сўз бирикмаси (ёки

¹³ Ғаниев А. Г. Очерки по глагольной фразеологии литературного пушту (в свете современной теории устойчивых словосочетаний). –Ташкент: «Фан», 1985.

¹⁴ Aksoy A. O. Atasözleri ve Deyimler Sözlüğü, -İstanbul, 1994, S. 52.

¹⁵ Войнова Л.А., Жуков В.П., Молотков А.И., Фёдоров А.И. Фразеологический словарь русского языка. –М.: «Советская Энциклопедия», 1967. С.8.

гап) билан қиёслаш керак. Чунки сўз бирикмаси (айрим ҳолларда гап) фразеологизмларнинг генетик манбаи ҳисобланади.

Маълумки, фразеологизм ва сўз умумий хусусиятларга эга. Иборадаги лексик маъно амалда унинг сўз каби изоҳланиши билангина эмас, ибора ва сўзнинг лексик маънога кўра синонимларни ташкил қилиши билан ҳам исботланиши мумкин. Масалан: *ödü koptak* - қўрқмоқ; *yanağından kan danlamak* – соғлом, *ağzını bıçak açtamak* – жим турмоқ (гапирмаслик) ва ҳ.к.

Фразеологизм ва сўзлар парадигматик шаклга эга ва гап ичида улар орасида муайян муносабат мавжуд. Чунки бу ерда гап икки мустақил тил бирлиги устида боради. Шунингдек, бу ерда «Сўз ва фразеологизм орасидаги муносабатни қандай изоҳлаш керак?» ва «Иборанинг гап ичидаги сўзлар билан алоқаси парадигматик шакллари билан чегараланадими?» деган савол туғилади. *Kadın da nasılsa şeytana uymuş ve kocasını, çocuğunu bırakarak zabitle beraber kaçmış...*¹⁶. (Таржимаси: *Хотин ҳам шайтон васвасасига учиб, эри билан боласини ташлаган-у, ўша офицер билан қочиб кетган...*¹⁷. Бу гап ичидаги *şeytana uymuş* ибораси *kadın* ва *nasılsa* сўзлари билан боғланган. Бу ерда фразеологизм грамматик бирикув қондасига кўра грамматик жиҳатдан сўзлар билан боғланган. Тилнинг аниқ лексик маъно ва аниқ грамматик характеристикага эга бўлган мустақил бирлиги сифатида *şeytana uymuş* ибораси гапнинг эгаси бўлган *kadın* сўзига нисбатан кесим бўлиб, «тўғри йўлдан адашмоқ» маъносидаги ҳаракат (ҳолат)ни ифодалайди. Гапда *şeytana uymuş* ибораси эга (*kadın*) билан мослашган ва ҳол (*nasılsa*) билан битишган. Яна шуни таъкидлаш керакки, агар гапнинг эгаси *kadınlar* шаклида бўлганида фразеологизм *şeytana uymuşlar* шаклида бўлар эди. Гапда ҳол вазифасини бажараётган *nasılsa* сўзи ўрнида, дейлик, «*dün*» сўзи (пайт ҳоли) бўлганида ҳам у иборанинг шаклига таъсир этиб, уни ўзгартира олмас эди.

Демак: а) фразеологизмнинг синтагматик шакли унинг гапдаги барча сўзлар билан эмас, фақат баъзилари билангина муносабатини ифодалай олади; б) фразеологизмнинг гап ичидаги сўзлар билан шакл жиҳатдан муносабатда бўлиши бундай муносабатларнинг характериға боғлиқ. Яъни агар бу шаклга зарурат бўлмаса, муносабат намоён бўлмаслиги ҳам мумкин. Бу ҳолат фразеологизмнинг гап ичидаги сўзлар билан муносабатга киришиши аслида гап ичидаги сўзларнинг ўзаро муносабатга киришишидан ҳеч қандай фарқ қилмаслигини кўрсатади.

Фразеологизмлар ўз тузилишидан қатъи назар, бўлинмас яхлит бирлик сифатида гап таркибига киради. Гап синтактик таҳлил этилаётганда иборани ташкил этувчи компонентларнинг эмас, иборанинг гапдаги синтактик вазифаси ҳақида сўз юритиш тўғри бўлади. Гап ичида ибора бир лексик бирлик вазифасида бўлса-да, уни ташкил этувчи компонентларга ҳам эътибор қаратиш керак бўлади.

Диссертациянинг «**Турк фразеологизмларининг шаклланиши ва семантик гуруҳлари масаласи**» деб номланган иккинчи бобида турк

¹⁶ Güntekin R.N. Çalığışu, roman.–İstanbul. –1995. –S.216.

¹⁷ Гунтекин Р.Н. Чолиқуши, роман, М. Исмоилий таржимаси. –Т.: Янги аср авлоди.–2011. –С.233.

тилидаги фразеологизмлар гуруҳларга ажратиб, кўриб чиқилди. Булар: соматизмлар асосида юзага келган фразеологизмлар, зоонимлар билан боғлиқ фразеологизмлар, муомала-муносабатлар, инсоннинг ҳаёт тарзи, шунингдек, касб-ҳунар билан боғлиқ фразеологизмлардир.

Дунё тилшунослигида соматик фразеологизмлар В.Гумбольдт¹⁸, Р.М.Вайнтрауб, М.Х.Абилгалиев ва бошқа бир қатор олимларнинг ишларида ўрганилган бўлса, туркча соматик фразеологизмлар Ш.Р.Усманованинг номзодлик диссертациясида кўриб чиқилган¹⁹. Туркияда Надир Илҳаннинг илмий мақолаларида инсон танаси аъзолари билан боғлиқ мақол ва иборалар тадқиқ этилган²⁰.

Инсоннинг ташқи органлари номлари туркий тилларда турғун бирикмаларнинг юзага келиши учун кенг имконият яратган энг самарадор манба ҳисобланади. Масалан: *ağzı kulağında* (оғзи қулоғида) қувонч, хурсандчиликни ифодаласа, *burnu büyütmek* (бурни кўтарилмоқ) ўзига бино кўйиш, атрофдаги одамларни менсимаслик, *göğüs germek* (кўкрак кермоқ) бир киши ёки бир нарса, бир фикрни ҳимоя қилиш, тинимсиз меҳнат қилиш, енгилмаслик, мардлик, жасорат маъноларини ифодалайди (ўзбек тилида *кўкрак кермоқ* ибораси бундай маъно касб этмайди). Турк тилида, биргина *otuz* «елка» сўзи инсон танасидаги асосий оғирлик тушувчи аъзо, *baş, kafa* сўзлари «ақл» «идрок», «онг», «зеҳн» билан боғлиқ маъно ташувчи ибораларда асосий компонент бўлиб келади.

Инсон ва ҳайвонот дунёси, уларнинг тана аъзолари ва ҳатти-ҳаракатларига асосан юзага келган фразеологизмларда инсонга хос хусусиятлар, айниқса, нутқ фаолияти, ҳаёт тарзи, жисмоний ва рухий ҳолатлар тавсифланади. Фразеологизмларда ҳайвонларнинг ташқи кўриниши, ҳаракатлари асос олинган бўлса-да, бундан асосий мақсад ҳайвонларга хос хусусиятлар орқали инсонни тавсифлаш ҳисобланади.

Турк тилида нутқ билан боғлиқ фразеологизмларнинг кўпчилигида меъёридан ортиқ гапиришнинг зарарли экани таъкидланади: *ağzı açılmak* (оғзи очилмоқ), *ağzı gevşek* (оғзи бўш), *ağzından düşürmek* (оғиздан туширмаслик), *ağzından çıkan kulağı duymamak* (оғиздан чиққанини қулоғи эшитмаслик) каби. Нутқда кўпол сўзларни ишлатиш, сўкиниш *ağıza alınmaz sözler* (оғизга олинмас сўзлар), ғулдураб, тушунарсиз гапириш *ağına çakıl taşları almak* (оғзига шағал тоши солиб олмоқ) иборасида ифодаланган.

Туркча оғзаки нутқ ва бадий адабиётда кўп қўлланадиган *saman altından su yürütmek* иборасига эътибор берсак, унда «атрофдагиларга сездирмасдан зимдан иш қилмоқ», «енг ичида иш кўрмоқ» маънолари англашилади. Иборанинг юзага келишига қуйидаги воқеа сабаб бўлган: экинзорларни суғориш учун сув танқис бўлган даврда бир киши катта ариқдан ўз томорқасига яширин ариқ қазиб сув олиб ўтади. Ариқнинг устини чўп-шоҳ, поя, сомон билан бекитади ва катта ариқдан сув ўғирланаётганини

¹⁸ В.Гумбольдт, О различии строения человеческих языков и его влияние на духовное развитие человечества // Избранные труды по языкознанию. М. Прогресс, 1984, с. 75-76.

¹⁹ Усмонова Ш.Р. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар: филол. фан. номз. дисс. – Т. 1998.

²⁰ Nadir İlhan, Atasözleri ve Deyimlerimizde beden, Türk Dili Dergisi, Ankara, Sayı: Kasım, 2007.

хеч ким сезмайди. Вақт ўтиб ариқдан сувни ким ўғирланаётгани билолмай ҳамманинг боши қотади. Бир куни сув ўғирлаётган кишининг томорқасида тўпланиб қолган сув юзида майда сомонлар борлигини сезиб қолишади ва ўғри қўлга тушади²¹.

*Hasılı, benim mektepteki saman altından su yürüten arkadaşlarım daha fenlenmişti...*²². Таржимаси: Қисқаси, мактабимдаги енг ичида иш кўрадиган дугоналаримнинг яна ҳам саводи чиққан эди...²³.

Таълим олиш, ўқиш, изланиш турк халқ мақоллари (*Adam yenilmekle marifetli olur, yanılmakla alim* (Одам енгилмоқла маърифатли, хато қилмоқла олим бўлади), *Alim yaşadıkça koç olur, cahil yaşadıkça hiç olur* (сўзма-сўз: Олим яшаган сайин қўчқор бўлади²⁴, жоҳил яшаган сари йўқолиб бораверади), *Akil yanılır, kalem yanılmaz* (Ақл янглишади, қалам янглишмайди) билан бир қаторда, ибораларда ҳам ўз ифодасини топган: *defter kitap görmek* (дафтар-китоб кўрмоқ), *mekteп medrese görmek* (мактаб-мадраса кўрмоқ), *eli kalem tutmak* (қўли қалам тутмоқ) каби. Бу уч ибора ўзаро синоним бўлиб, 'мактабга бориб, саводини чиқармоқ' маъносида қўлланади.

Тинимсиз ўқиш, илм ўрганиш *burnunu kitaptan kaldırmamak* (бурнини китобдан кўтармаслик, яъни бошини китобдан кўтармаслик) ибораси воситасида, илм-фан йўлида заҳмат чекиш, илм ўргатишнинг қийинлиги *iğneyle kuyu kazmak* (иғна билан қудуқ қазимоқ) ибораси орқали берилган.

Туркий халқларда илм-фан ҳар доим моддий бойликдан устун қўйилган ва таҳсилнинг туганмас сармоя эканлиги таъкидланган. Бундай ибораларда таълим-тарбия, истеъдод ва қобилиятга урғу берилган: *dirsek çürütmek* (тирсак чиритмоқ²⁵) ва унга маънодош бўлган *göz nuru dökmek* ('кўз нури тўкмоқ') иборалари «кўп йиллар таҳсил олмоқ» маъносида қўлланади.

Kitap (китоб), *defter* (дафтар), *kalem* (қалам, ручка), *mürekkep* (сиёҳ, сиёҳдон) каби ўқув қуроллари номи ибораларда асосий компонент бўлиб келади. *Mürekkep* (сиёҳ) сўзи асосий компонент бўлиб келган, «кўп ўқиб-ёзган, саводли киши» маъносида қўлланилувчи *mürekkep yalamış* (сиёҳ ялаган) ибораси кўп йиллар таҳсил олган, илм-фан билан шуғулланган кишиларга нисбатан бугун ҳам қўлланиб келади²⁶. Бу ибора ҳали матбаа хизмати, босмаҳоналар бўлмаган, китоблар ҳаттотлар томонидан кўчирилган замонларда пайдо бўлган. Қўлёзма китоблар тайёрланаётганда қалам бир текис, беғубор ёзиши учун ёзув ёзиладиган хом қоғоз ёки терининг устига оҳор тўкилиб жило берилган, ундан кейин силлиқланган. Оҳор тухумнинг оқи ва крахмалдан тайёрланиб, қоғознинг устига бир текисда сурилган. Оҳор сув тегиши билан дарҳол эриган. Шунинг учун ҳаттотлар ёзувни бармоқларини

²¹ Pala İskender, İki Dirhem Bir Çekirdek, Kapı Yayınları, Bütün Eserleri, 21.–İstanbul, 2010. –S.147.

²² Güntekin R.N. Çalıkuşu, roman.–İstanbul. –1995. –S.34.

²³ Гунтекин Р.Н.Чоликуши, роман, М. Исмоилий таржимаси. –Т.: Янги аср авлоди.–2011. –С.35.

²⁴ Мақолда қўлланилган *koç* (қўчқор) сўзи туркларда куч-қудрат, мардлик рамзидир. Мақолнинг маъноси куйидагича: «Ҳақиқий олим киши қанчалик кўп умр кўрса, давлатига, халқига шунчалик кўп фойда келтиради, унинг билими юксалиб бораверади, жоҳил кишилардан эса жамиятга ҳеч қандай фойда келмайди, умри бекор ўтади, номи ўчади».

²⁵ *Dirsek çürütmek* иборасининг юзага келишига инсоннинг столдан бош кўтармасдан тирсагини тираб, ўйлаб, ижод қилиши асос бўлган.

²⁶ Pala İskender, İki Dirhem Bir Çekirdek, Kapı Yayınları, Bütün Eserleri, 21.–İstanbul, 2010. –S.165-166.

хўллаб, имло хатоларини ўчириб тузатганлар. Шу тарзда оҳор тарқалиб, оҳор билан бирга хато ҳарф, сўз, ҳатто жумла ҳам ўчирилган. Шунда хаттотнинг бармоғи истар истамас тилига тегиб, лаби сиёҳ ялаганга ўхшаб қолган. Сиёҳ намда осон эригани боис қўлзма асарларга сув тегишига йўл қўйилмаган. Бу нарса хаттотларга жуда қўл келган. Патқаламнинг учида қолган сиёҳ доғини тозалаш, саҳифага кичик имло қўйиш учун қалам сиёҳга ботирилиб, исроф бўлмаслиги учун учи тилга теккизилиб сиёҳ эритилган. Бундай «сиёҳ ялаган» кишилар ўқимишли ҳисобланган, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилган²⁷.

Диссертациянинг **“Фразеологизмлар образли асосининг шаклланиши”** деб номланган учинчи бобида фразеологик маънонинг юзага келиши, сўз ва фразеологизм орасидаги семантик муносабатлар, фразеологизмлар орасидаги маънодошлик, шунингдек, мақол ва фразеологизмлар орасидаги муносабатлар кўриб чиқилади.

Фразеологик маънонинг юзага келишида илк (бирламчи) маъно муҳим аҳамиятга эга. Чунки кўчма маъно ўша бирламчи маънодан шаклланади ва улар орасидаги боғланиш, муносабатлар маълум бир даражада сақланиб қолади. Воқеликни акс эттирувчи бирламчи маъно образли тасаввур асосида кўчма, фразеологик маънога айланади. Фразеологизмнинг шаклланишига одатдаги иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса асос қилиб олинади. Муайян бир образ асосида юзага келган кўчма маъно бирикмани ташкил этувчи компонентларнинг лексик маъносидан келиб чиқмайди. Маъно ҳар бир сўзнинг алоҳида маъносидан олиб, қўшилиб эмас, бирикманинг образли, кўчма маъносидан юзага келиб, қолиплашади.

Фразеологизмнинг маъноси муайян образга суянган бўлади, яъни у ўзининг ички шакли билан алоқани сақлайди. Фразеологизмни кўпинча бир сўз билан тенглаштириш мумкин бўлса-да (масалан, *yüzünü köpek yalamak* «юзини ит яламоқ» – *уятсиз*), ундаги ички шаклнинг образли тасаввур эканлиги, сўзларда эса ички шаклнинг белги бўлишини унутмаслик керак²⁸.

Фразеологизм маъносининг унга синоним бўлган сўз маъносига тўла мос келмаслиги жиддий тадқиқотлар олиб борилишини тақозо этади. Гап шундаки, аксарият ҳолларда иборанинг маъносини фақат изоҳ (тасвир) йўли билан аниқлаш мумкин. Масалан, *parmakla sayılı* (бармоқ билан санарли) ибораси шунчаки «оз» эмас, «жуда ҳам кам» дегани бўлади ва фақат доналаб саналадиган нарсаларга нисбатан қўлланилади. Бу ерда бир қўлда бор-йўғи беш бармоқ, бир инсонда эса ўн бармоқ борлиги ҳисобга олиниб, сўз бораётган нарсанинг оз, яъни “ўнта ҳам эмас”лиги таъкидланади. Ёки, *kafa yormak* ибораси шунчаки «ўйлаш»ни эмас, *бош қотириш*, бирон нарса устида кўп ўйлаш, фикр қилишни, *sözlerini tartmak* – ўйлаб гапиришдан ташқари, ўлчовли, гапирилаётган гапнинг яхши-ёмон оқибатларини ўйлаб гапиришни, *ödü koptak* – шунчаки қўрқишни эмас, қаттиқ қўрқиб, сесканиб кетиш (*ўтақаси ёрилмоқ*)ни, *avuç açacak hale düşmek* (ҳовуч очадиган ҳолатга

²⁷ Қаранг: Pala İskender, İki Dirhem Bir Çekirdek, Kapı Yayınları, Bütün Eserleri, 21.–İstanbul, 2010. –S. 165-166.

²⁸ Тилшуносликнинг долзарб масалалари (Илмий мақолалар тўплами III). –Тошкент, 2006. Б.127.

тушмоқ) фразеологизми фақат камбағаллашишни эмас, одамлардан «қўл очиб садақа сўраш даражасига тушиш»ни билдиради.

Сўз ва фразеологизм орасидаги кўп қиррали семантик муносабат деганда, асосан, синонимик ва антонимик муносабатлар тушунилади. Бу икки бирлик орасидаги, қолаверса, фразеологизмларнинг ўзлари орасидаги синонимик муносабатлар ҳамisha тадқиқотчилар диққатини тортиб келган. Бундай муносабатларнинг ўзига хослиги кўп тилларда тадқиқ этилган, лекин фразеологик бирликлар маъносининг ташкил этувчи мустақил лексик бирликлар – компонентлар семантикаси билан ўзаро алоқалари ҳанузгача баҳсли масала бўлиб қолмоқда.

